

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ САМАРКАНД
ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА–КУРИЛИШ ИНСТИТУТИ**

ИНФОРМАТИКА КАФЕДРАСИ

ФАЙЛЛАРНИ АРХИВЛАШ

**(Талабаларнинг «Информатика» фанидан лаборатория
ишини бажаришлари учун услубий кўрсатма)**

С а м а р к а н д – 2006 йил

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ САМАРКАНД
ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА–КУРИЛИШ ИНСТИТУТИ**

ИНФОРМАТИКА КАФЕДРАСИ

**«Тасдиклайман»
СамДАКИнинг ўқув ишлари
бўйича проректори
т.ф.д., профессор**

_____ **Соатов Ў. А.**
« _____ » _____ **2006 йил**

**СамДАКИ ўқув-услубий
адабиётларни чоп қилиш
кенгашида кўриб чиқилган
ва тасдиқланган**

Баённома № _____
« _____ » _____ **2006 йил**

ФАЙЛЛАРНИ АРХИВЛАШ

**(Талабаларнинг «Информатика» фанидан лаборатория
ишларини бажаришлари учун услубий кўрсатма)**

С а м а р к а н д – 2006 йил

Услубий кўрсатма талабаларнинг «Информатика» фанидан «**Файлларни архивлаш**» мавзусида лаборатория ишини бажаришлари учун мўлжалланган. Услубий кўрсатмада файлларни архивловчи, архивловчи дастурлар ва уларнинг имкониятлари, файлларни архивга нусхалаш, кўчириш ва қайта тиклаш бўйича маълумотлар берилган.

Услубий кўрсатмада лаборатория ишини бажариш учун вариант топшириқлари берилган. Топшириқларни танлаш гуруҳ журналидаги талабаларнинг тартиб рақами бўйича олинади. Шунингдек, талабалар ўзларининг олган билимини мустақил равишда текшириб кўриш мақсадида назорат саволлари ва мавзулар бўйича тест саволлари келтирилган.

Услубий кўрсатма кафедранинг 2006 йил 9 июнда бўлиб ўтган мажлисида муҳокама қилинган ва чоп этиш учун тасвир қилинган (Баённома № 12).

Тузувчи: ф.-м.ф.н., доцент Назаров У. А.

Такризчилар: Самарканд иқтисод ва сервис институти
«Ахборот технологиялари» кафедраси доценти
Зайнолов Н.Р.
Самарканд Давлат Архитектура-Қурилиш
институти «Информатика» кафедраси
доценти Ҳикматов Ҳ.Ҳ.

Нашр белгилари: СамДАКИ, қоғоз бичими А4, буюртма 150, нусхаси 50, ҳажми 1,25 босма табок.

Лаборатория иши мавзуси:

ФАЙЛЛАРНИ АРХИВЛАШ

Ишнинг максоди: Талабаларга МЙ ДОЙ ва WINDOWЙ операцион тизимларида файлларни архивга нусхалаш ва қайта тиклаш каби тушунчаларни ўргатиш ҳамда амалий иш фаолиятида фойдалана олиш кўникмасига эга бўлиши кўзда тутилган.

Лаборатория ишини бажариш учун зарур асбоб ускуналар сифатида замонавий компьютер ва унинг қўшимча қурилмаларидан фойдаланилади. Талаба лаборатория ишини бажариши учун **файлларни архивлаш** тўғрисида назарий билимларни ўрганиши керак бўлади. Ўқув режасига асосан лаборатория ишини бажаришга 4 соат ажратилган. Талаба лаборатория дарсининг биринчи ярмида компьютерда бу мавзу бўйича мустақил ишлаш кўникмасига эга бўлади, иккинчи ярмида эса, лаборатория ишини бажариши учун берилган варианти асосида ўзининг тушунчаси билан ҳар бир саволга жавоб ёзади. Ўқитувчи ҳар бир талабанинг билимини баҳолаш максодида лаборатория дarsi вақтида алоҳида-алоҳида саволлар беради. Талаба ўқитувчи томонидан берилган саволларга тўғри жавоб берса, лаборатория ишини бажарган ҳисобланади. Лаборатория ишини бажариш рейтинг бали билан баҳоланади.

Ўқитувчи лаборатория дарсини қуйидаги режа асосида олиб бориши тавсия этилади:

1. Файлларни архивлаш нима?
2. МЙ ДОЙ ОТда қандай архивловчи дастурлар мавжуд ва уларнинг имкониятлари.
3. Файл ёки файллар гуруҳини МЙ ДОЙ операцион тизимида архивга нусхалаш.
4. МЙ ДОЙ ОТда архивланган файлларни қайта тиклаш.
5. Windowй ОТда қандай архивловчи дастурлар мавжуд ва уларнинг имкониятлари.
6. Файл ёки файллар гуруҳини Windowй операцион тизимида архивга нусхалаш.
7. Windowй ОТда архивланган файлларни қайта тиклаш.

Қуйида файлларни архивлаш тўғрисида назарий маълумотлар берилган.

Файлларни архивлаш тушунчаси

Компьютер хотирасида фойдаланувчи ишлаши учун керак бўлган кўплаб файллар сақланади. Бу файллар баъзан эҳтиётсизлик оқибатида ёки бошқа сабаблар, масалан, компьютер вируси зарари натижасида ўчирилиб кетилиши мумкин. Шунинг учун керакли файлларнинг нусхасини архивли файлга жойлаб қўйиш мақсадга мувофиқ. Файлларни архивлаш натижасида нафақат файлларнинг ўчирилиб кетилиши олди олинади, балки дискларда бўш жой кўпаяди. Файлларни архивлаш натижасида дискларда матнли файллар учун 60–70 фоиз, бажарилувчи файллар учун 20–30 фоиз бўш жой тежалади.

Архивлаш деганда, файл ёки файллар гуруҳининг сикилган ҳолда битта файлга жойлашиши тушунилади. Архивли файлларда асосан компьютер хотирасида узок муддатли сақланувчи ва муҳим бўлган дастурлар сақланади.

Архивловчи дастурлар ва уларнинг имкониятлари

Компьютерда файлларни архивлаш учун махсус архивловчи дастурлар мавжуд. Ҳозирги кунда МЙ DOЙ операцион тизимида фойдаланиладиган архивловчи дастурлар доирасига куйидагилар киради: **ARJ, RAR, PKZIP, PKUNZIP, PAK, LHA** ва ҳоказо. Windowй операцион тизимида файлларни архивлаш учун куйидаги дастурлардан фойдаланилади: **WinRar, WinZip, WinArj** ва ҳоказо. Бу архивловчи дастурлар бир-биридан сикиш даражаси, тезлиги, умуман олганда имкониятлари билан фаркланади. Кенг тарқалган архивловчи дастурлар деярли бир хил имкониятга эга, яъни бири иккинчисидан барча параметрлари бўйича устунлик килолмайди. Бир дастур тез ишласа, бошқаси файлларни яхши сикиш даражасини таъминлайди. Архивли файлларни номлаш ҳам худди оддий файллар каби амалга оширилади ва қайси архивловчи дастур ишлатилганига қараб, махсус кенгайтмага эга бўлади. Масалан, **ARJ** дастури ишлатилса, архив файл кенгайтмаси **.arj**, **PKZIP** дастурида **.zip** бўлади. Архивли файл мундарижага эга, унда қандай файллар сақланаётганлиги кўрсатилади. Архив мундарижасида куйидаги маълумотлар сақланади:

- файл номи;
- файл сақланувчи каталог тўғрисида маълумот;
- файлнинг охири марта қайта ишланган санаси ва вақти;
- файлнинг дискдаги ва архивдаги ўлчами;
- архивнинг тўлиқлигини текширишда ишлатиладиган ҳар бир файлнинг циклик текшириш коди.

Биз куйида энг кўп ишлатиладиган **PKZIP/PKUNZIP**(2.04g версияси) ва **ARJ**(2.30 версияси) архивловчи дастурлари билан батафсил танишиб чиқамиз. Бу дастурлар юкори тезлик ва катта сикиш даражасини таъминлайди. **ARJ** дастури кўп томли архив, яъни архивли файллар кетма-кетлигини тузиш имкониятини беради. **ARJ** дастури файлларни архивга жойлаш, қайта тиклаш ва ҳоказо ишларнинг барчасини ўзи бажаради. **Zip** типдаги файллар учун бу функцияларни бажариш учун турли дастурлар ишлатилади, яъни:

PKZIP – архивга файлларни жойлаштиради;

PKUNZIP – архивдан файлларни тиклайди;

PKZIPFIX – бузилган архивли файлларни тиклайди;

МЙ DOЙ операцион тизимида файлларни архивга нусхалаш

Биз файлларни архивга нусхалаш учун ишлатиладиган архив-ловчи дастурлардан **PKZIP** ва **ARJ** дастурлари имкониятлари билан танишиб чиқамиз.

PKZIP дастури. Бу дастур формати куйидагича:

PKZIP режим архив номи [файллар номи]

Режим–параметри « –» ёки «/» белгилари билан бошланиб, дастур бажариши керак бўлган вазифани аниқлайди.

PKZIP дастури режимлари куйидагилардан иборат:

- A – архивга барча файлларни қўшади.
- U – архивга янги файлларни киритади.
- F – архивдаги файлларни янги турига алмаштиради.
- M– файлларни архивга қўчиради.
- D – архивдаги файлларни ўчиради.
- EX–архивлашни тезлаштиради.

Агар режим кўрсатилмаса A режим тушунилади.

Архив номи – архив номи кўрсатилади, агар бундай файл бўлмаса, у ташкил этилиши лозим.

Файллар номлари – Архивга қўшилаётган файллар номлари. Файллар номини беришда * ва ? белгиларини ишлатиш ҳам мумкин. Агар файллар номлари кўрсатилмаса, у ҳолда жорий каталогдаги барча файллар тушунилади.

Файлларни **PKZIP** дастури оркали архивлашга мисоллар:

PKZIP model – бу буйруқ бажарилиши натижасида жорий каталогдаги барча файллар **model.zip** архивли файлга нусхаланади.

PKZIP model5 *.doc a:*.doc – бу буйруқ бажарилиши натижасида жорий каталогдаги ва а дискдаги барча кенгайтмаси .doc бўлган файллар model5.zip архивли файлга нусхаланади.

PKZIP –u model – model.zip файлига жорий каталогдаги янги файллар нусхаланади.

PKZIP –f model a:*.* – model.zip архивли файлга унда мавжуд бўлган файлларнинг A дискдан янги версиялари қўшилади.

ARJ дастури. Бу дастур формати куйидагича:

ARJ буйруқ режим архив номи [каталог\] [файллар номи]

Бу ерда: **буйруқ**–ARJ дастурида битта ҳарфдан иборат бўлиб, дастур бажарилиши керак бўлган вазифани белгилайди. Масалан, A–файлларни архивга қўшади, E–файлларни архивдан тиклайди ва ҳоказо.

Каталог–ARJ дастурида архивга қўшилиши керак бўлган файллар жойлашган каталог номи. Агар у кўрсатилмаса, у ҳолда жорий каталог тушунилади.

Архив номи ва файллар номи PKZIP дастурида келтирилган.

Файлларни **ARJ** дастури оркали архивлашга мисоллар:

ARJ a document – бу буйруқ бажарилиши натижасида жорий каталогдаги барча файллар архивланади ва каталог мундарижасида document..arj номли архивли файл пайдо бўлади.

ARJ a document *.doc a:*.doc – document.arj файлига жорий каталогдаги ва а дискдаги кенгайтмаси .doc бўлган барча файллар нусхаланади.

ARJ f document a:*.*— document.arj архивли файлга унда мавжуд бўлган файлларнинг А дискдан янги версиялари кўшилади.

МЙ DOY операцион тизимида файлларни архивдан кайта тиклаш

PKZIP дастури ёрдамида архивланган файлларни кайта тиклаш учун **PKUNZIP** дастури ишлатилади.

PKUNZIP дастури. Бу дастурнинг формати куйидагича:

PKUNZIP режим архив номи [йўл] [файллар номлари]

Режим—параметри « →» ёки «/» белгилари билан бошланиб, дастур бажариши керак бўлган вазифани аниклайди.

Дастур режимлари куйидагилардан иборат:

- X – файлларни архивдан олиш.
- O – дискдаги файлларнинг ўрнига ёзиш.
- V – архивдаги файлларнинг таркибини кўриш.
- T – архивдаги файллар бутунлигини текшириш.
- N – дискда мавжуд бўлмаган ва эски версияли файлларни архивдан тиклаш.

Архив номи – файллар кайта тикланаётган архив номи кўрсатилади.

Йўл—тикланаётган файллар жойлашиш каталоги кўрсатилади.

Файллар номлари – архивдан тикланиши керак бўлган файллар номлари кўрсатилади.

Агар архивдан тикланаётган файл нусхаси дискда мавжуд бўлса, у ҳолда экранда Name file'ей ехййт', Qverwrite [YANG]? (Файл номи мавжуд, кайта ёзиш зарурми?) саволи пайдо бўлади. Фойдаланувчи бундай ҳолда керакли буйруқлардан бирини танлайди.

Файлларни **PKUNZIP** дастури оркали архивдан тиклашга мисоллар:

PKUNZIP teйт.zip c:\teйт – teйт.zip архивли файлнинг барча файллари C дискдаги teйт каталогига тикланади.

PKUNZIP -x teйт.zip – teйт.zip архивли файлнинг барча файллари жорий каталогга тикланади.

PKUNZIP -f teйт.zip – жорий каталогдаги файллар янги версияларини teйт.zip архивли файлдан олади.

ARJ дастури. **ARJ** дастурида файлларни архивдан кайта тиклаш учун дастурининг ўзи ишлатилади. Бу дастурнинг формати куйидагича:

ARJ буйрук режим архив номи [каталог\] [файллар номлари]

Бу ерда: **буйрук**—**ARJ** дастурида битта ҳарфдан иборат бўлиб, дастур бажарилиши керак бўлган вазифани белгилайди. Масалан,
E – файлларни архивдан тиклайди, X– мос каталогга файлларни архивдан тиклайди ва ҳоказо.

Каталог – файллар тикланиши керак бўлган каталог номи. Агар у кўрсатилмаса, у ҳолда жорий каталог тушунилади.

Файлларни **ARJ** дастури оркали архивдан тиклашга мисоллар:

ARJ e document. arj – document.arj архивидаги барча файллар тикланади.


ARJ e –n document.arj c:\teйт – document.arj архивидаги янги файллар C дискнинг тейт каталогига тиклайди.

Windowй операцион тизимида файлларни архивга нусхалаш

Windowй операцион тизимида файлларни архивлаш учун куйи-даги дастурлардан фойдаланилади: **WinRar, Winzip, WinArj** ва ҳоказо.


Архивлаш дастурларидан фойдаланиш учун ҳар бир шахсий компьютерларнинг системасига архивлаш дастурлари ўрнатилган бўлиши шарт. Компьютер системасига дастурни ўрнатиш учун дастурнинг дистрибути ёки пакетли дастуридан фойдаланилади. Дастур тизимга ўрнатилгандан кейин ихтиёрий ахборотни архивлашимиз мумкин. **WinRar** дастурини ишга тушириш куйидаги буйруқлар орқали амалга оширилади: **ПУСК → Программы→WinRar.**

WinRar дастури ишга тушгандан сўнг, экранда унинг асосий ишчи ойнаси пайдо бўлади(1-расм).



1-расм. WinRar дастури ишчи ойнаси.

Ишчи ойнадан архивланиши керак бўлган диск аникланади, масалан, **C:** диск. Сўнгра, архивланиши керак бўлган файллар белгиланади ва **Добавить** тугмачаси босилади. Натижада, экранда архив номи ва архивлаш параметрларини ўрнатиш мулокот ойнаси пайдо бўлади(2-расм).




2-расм. Архив номи ва параметрларини ўрнатиш ойнаси.

Архив дарчасида архивли файлга ихтиёрий ном берилади. **Формат архива** дарчасида архивлашнинг кенгайтма тури танланади(rar ёки zip). **Метод сжатия** дарчасида файлларни архивга жойлаштиришда сикиш усулларида бири танланади(**Без сжатия, Скоростной, Быстрый, Обычный, Хороший, Максимальный**), масалан, **обычный**. **Метод обновления** дарчасида архивли файлга яна бошқа файлларни жойлаштириш

мумкин. **Размер словаря** дарчасида куйидаги кийматлардан бири танланади: 64, 128, 256, 512 ва 1024 Килобайт. Бу кийматларнинг ошиши файлларни архивлашда сиқиш даражасини оширади. Сиқиш даражасини ошириш кўп хотира ҳажми ва кўп вақт талаб қилади. Барча архивлаш параметрлари ўрнатилгандан кейин ОК тугмачаси босилади ва натижада, диск мундарижасида архивли файл номи пайдо бўлади.

Windowй операцион тизимида файлларни архивдан қайта тиклаш

Файлларни архивдан тиклаш учун дастлаб архивли файл танланади ва менюдан **Извлечь в** буйруғи танланади ва «сичконча» тугмачаси босилади. Экранда файлларни тиклаш йўли параметрларини кўрсатувчи мулоқот ойнаси пайдо бўлади(3-расм) ва фойдаланувчи куйидаги буйруқларни кетма-кет бажаради.



3-расм. Файлларни архивдан тиклаш ойнаси.

Путь извлечения дарчасида файлларни дискнинг қайси жойига тиклаш йўли кўрсатилади.

Режим обновления дарчасида куйидагилар бажарилади:

- **Извлечь с заменой файлов**- барча белгиланган файллар тикланади;
- **Извлечь с обновлением файлов**- папкада йўқ ёки архивдаги нусхаси янги бўлган белгиланган файллар тикланади;
- **Обновить существующие файлы**- папкада бор, лекин архивдаги нусхаси янги бўлган белгиланган файллар тикланади. Бу ҳолда дискда мавжуд бўлмаган файллар тикланмайди.

Режим перезаписи дарчасида куйидагилар бажарилади:

- **Запрось при перезаписи**-агар архивдаги файллар уларнинг нусхаси жойлашган папкага тикланаётган бўлса, у ҳолда мулоқот ойнаси пайдо бўлади ва унда «**Файл мавжуд. Қайта ёзиш зарурми?**» сўроғи чиқади. Фойдаланувчи **Ҳа** ёки **Йўқ** дан бирини танлайди;
- **Перезаписать без запроса** –сўроксиз файлларни тиклайди;
- **Пропустить существующие файлы**- папкада мавжуд файллар тикланмайди.

Лаборатория ишини бажариш учун вариант топшириклари

Ҳар бир вариантнинг 1-2 топшириклари МЙ ДОЙ операцион тизимида, 3-4 топшириклари Windowй операцион тизимида бажарилади. Топширикларни танлаш гуруҳ журналидаги талабаларнинг тартиб раками бўйича олинади.

1–вариант

1. Файлларнинг мажмуасини PKZIP дастурида архивлаш жараёнини ёзинг.
2. teit.arj файлини архивдан қайта тиклаш технологиясини ёзинг.
3. WinRar дастурининг асосий менюсига тушунча беринг.
4. turbo.zip архивланган файлни қайта тиклаш технологиясини ёзинг.

2–вариант

1. Архивловчи дастурлар ҳақида маълумот беринг.
2. tiko.zip архивидан файлларни қайта тикланг.
3. Архивловчи дастурлар тўғрисида тушунча беринг.
4. tiko.rar архивланган файлни қайта тиклаш технологиясини ёзинг.

3–вариант

1. Архив мундарижасида қандай маълумотлар сақланади.
2. ARJ e -n document.arj c:\teit нимани ифодалайди.
3. WinZip дастури ҳақида тўлиқ маълумот беринг.
4. b₁.zip ва a₁.rar файлларини архивдан қайта тиклаш технологиясини ёзинг.

4–вариант

1. Архив номи ва каталоги деганда нимани тушунасиш?
2. PKZIP model буйруғи бажарилиш натижасини айтинг.
3. a₁.doc, a₂.doc файлларини WinRar дастурида архивланг.
4. b₁.rar ва a₁.zip файлларини АММ каталогига қайта тиклаш технологиясини ёзинг.

5–вариант

1. Файлларни архивлашдан асосий мақсад нима?
2. PKZIP model5 *.doi a:*.doi буйруғи бажарилса нима содир бўлади.
3. Архивли файлларни номлаш деганда нимани тушунасиш.
4. Архивли файлни қайта тиклашда менюдаги қандай буйруқлар қўлланилади.

6–вариант

1. b₁.doc ва b₂.doc файллари b.zip номи билан М режимида архивланг.
2. ARJ a document буйруғи натижасини ёзинг.
3. b₁.doc ва a₁.doc файллари WinZip дастурида сикиш жараёнини тушунтиринг.
4. ВЕТА папкасидаги b₂.rar файлини архивдан қайта тиклаш технологиясини ёзинг.

7–вариант

1. ARJ дастурининг имкониятлари ҳақида тўлиқ маълумот беринг.
2. ARJ e document.arj буйруғи бажарилгандан сўнг нима содир бўлади.
3. WinRar дастури ҳақида тўлиқ маълумот беринг.
4. b₁, b₂, b₃,...b₁₀ файллари ВЕТА папкасида қайта тиклаш технологиюсини ёзинг.

8–вариант

1. ARJ a document *.doc a:*.doc нимани ифодалайди.
2. PKZIP дастурида архивланган файл қандай тикланади.
3. С дискдаги барча файлларни WinRar дастурида архивлаш технологиясини ёзинг.
4. «Извлечь в» буйруғи вазифасини баён қилиб беринг.

9–вариант

1. PKZIP -u model нимани ифодалайди.
2. PKUNZIP дастури ҳақида тўлиқ маълумот беринг.
3. D дискдаги факат .doc кенгайтмали файлларни архивлаш технологиясини ёзинг.
4. «Режим обновления» дарчасида нималарни амалга ошириш мумкин.

10–вариант

1. PKZIP -f model a:*.* нимани ифодалайди.
2. Архиви файллар ARJ дастури ёрдамида қандай тикланади.
3. С дискдаги барча .exe кенгайтмали файлларни WinZip дастурида архивлаш технологиясини ёзинг.
4. «Режим перезаписи» дарчасида нималар бажарилади.

11–вариант

1. PKZIP -m model нимани ифодалайди.
2. Режим параметри ва дастур режимлари тўғрисида маълумот беринг.
3. Жорий дискдаги барча файлларни WinRar ва WinZip дастурларида архивлаш технологиясини ёзинг.
4. Архивга жойлаштирилган файллар қандай ҳимояланади.

12–вариант

1. PKZIP -m -u model *.doc a:*.doc нимани англатади.
2. b.arj архив файлини қайта тиклашни ёритиб беринг.
3. WinRar дастурида архивлаш режимлари ҳақида маълумот беринг.
4. «Формат архива» ва «Метод сжатия» дарчалари вазифаси.

13–вариант

1. ARJ f -d document *.doc нимани ифодалайди.
2. b.zip архивли файлни қайта тиклашни ёритиб беринг.
3. WinZip дастури менюсини изоҳлаб беринг.
4. Архивли файлни қайта тиклаш технологиясини ёзинг.

14–вариант

1. a₁.doc, a₂.doc файлларини ARJ дастурида BUM каталогига архивланг.
2. Файл номи ва архив каталоги тушунчасини беринг.
3. a₁.doc ва a₂.doc файлларини WinZip дастурида ва b₁.doc файлини WinRar дастурида архивлаш технологиясини ёзинг.
4. Файлни архивдан қайта тиклаш технологиясини ёзинг.

15–вариант

1. Файлларни архивлашдан мақсад нима?
2. BUM каталогидаги a.arj архив файлини ёйишни ёзинг.
3. Архивлаш режимлари нима.
4. WinRar дастури менюсини ёритиб беринг.

16–вариант

1. Архив мундарижасида қандай маълумотлар сақланади.
2. a.zip архив файлини қайта тиклаш технологиясини ёзинг.
3. Архивга сиқиш усуллари қайсилар. Улар ҳақида маълумот беринг.
4. betta.arj, alfa.rar ва gamma.zip файлларини қайта тиклаш технологиясини ёзинг.

17–вариант

1. a₁.doc, a₂.doc файллари ARJ дастурида ва b₁.doc, b₂.doc файллари PKZIP дастурида архивланг.
2. b.arj ва a.zip архив файллари кайта тиклаш технологиясини ёзинг.
3. «Размер словаря» дарчаси нима учун керак.
4. a1.rar, a2.rar ва a3.rar файллари кайта тиклаш технологиясини ёзинг..

18–вариант

1. a₁.doc файлини ARJ ва PKZIP дастурларида архивланг.
2. Архив дастурлари ишлаш режимларини ёзинг.
3. D дискдаги барча .doc кенгайтмали файллари архивга нусхаланг.
4. A.arj файлини C дискдаги **Новая папка**сига ёйиш технологиясини ёзинг.

19–вариант

1. Бузилган архивли файллари кандай тикланади.
2. ARJ e document.arj нимани ифодалайди.
3. b₁.doc ва b₂.doc файллари C дискдаги Beta папкасига архивланг.
4. A.rar файлини D дискда **Новая1 папка**сига кайта тиклаш технологиясини ёзинг.

20–вариант

1. Add, update, freйhen сўзлари нимани ифодалайди.
2. ARJ e –n document.arj c: нимани ифодалайди.
3. WinRar да файллари архивлаш технологиясини ёзинг
4. Сикиш даражасини оширишдан мақсад нима.

21–вариант

1. C дискдаги .doc кенгайтмали файллари PKZIP дастурида архивлаш технологиясини ёзинг.
2. PKUNZIP teйт.zip C:\teйт нимани ифодалайди.
3. a₁.doc файлини «Скоростной» режимида WinRar дастурида архивлаш технологиясини ёзинг.
4. Сикилган файли ёйишдан мақсад нима.

22–вариант

1. С дискадаги .txt кенгайтмали файлларни Beta каталогига ARJ дастурида архивлаш технологиясини ёзинг.
2. PKUNZIP –x teйт.zip нимани ифодалайди.
3. WinRar дастурининг ишлаш технологиясини ёзинг.
4. «**Режим перезаписи**» ва «**Пут извлечения**» дарчалари вазифалари.

23–вариант

1. С дискадаги барча файлларни ARJ дастурида архивлаш технологиясини ёзинг.
2. PKUNZIP –f teйт.zip нимани ифодалайди.
3. WinZip дастурининг ишлаш технологиясини ёзинг.
4. «**Режим обновления**» ва «**Введите пароль**» дарчалари вазифалари.

24–вариант

1. С диска Р ҳарфидан бошланувчи барча файлларни PKZIP дастурида архивлаш технологиясини ёзинг.
2. a.zip ва b.arj файлларини архивдан ТТ каталогига қайта тиклаш технологиясини ёзинг.
3. a₁.doc ва b₁.doc файлларини «**Максимальный**» режимида WinRar дастурида архивланг.
4. С дискадаги барча .arj кенгайтмали архивли файлларни қайта тикланг.

25–вариант

1. D дискада а ҳарфидан бошланувчи .doc кенгайтмали файлларни ARJ дастурида архивланг.
2. ТТ каталогидаги a.zip файлини ТЕЙТ каталогига қайта тиклаш технологиясини ёзинг.
3. WinRar дастурининг «**Размер словаря**» дарчаси нима вазифани бажаради.
4. D дискадаги барча .rar кенгайтмали архив файлларни қайта тикланг

26–вариант

1. D дискадаги барча файлларни PKZIP дастурида ALFA каталогига архивланг.
2. С жорий дискадаги барча .arj кенгайтмали файлларни ёйиш

технологиясини ёзинг.

3. WinRar дастурида файллар қандай ҳимоя қилинади.
4. С дискдаги барча .zip кенгайтмалари архив файлларни қайта тикланг.

27–вариант

1. Файлларни архивлаш деганда нимани тушунасиш?
2. PKUNZIP дастури ҳақида маълумот беринг.
3. С дискдаги барча .doc кенгайтмалари файлларни WinZip дастурида архивлаш технологиясини ёзинг.
4. Window'ий ОТда архивловчи дастурлар ва уларнинг имкониятлари тўғрисида тушунча беринг.

Назорат учун саволлар

1. МЙ ДОЙ ОТда архивловчи дастурларнинг қандай турларини биласиз?
2. Window'ий ОТда архивловчи дастурларнинг қандай турларини биласиз?
3. Файлларни архивлаш деганда нимани тушунасиш?
4. Файлларни архивга нусхалаш жараёнини мисолларда тушунтиринг?
5. Файлларни архивдан қайта тиклаш жараёнини мисолларда тушунтиринг?

ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. МЙ ДОЙ ОТда архивловчи дастурлар турини кўрсатинг?

- a). DrWeb, Adinf
- b). Arj, Rar, Pkzip/Pkunzip
- c). DrWeb, Adinf, Arj, Pak, Lha
- d). WinArj, WinZip, WinRar

2. Window'ий ОТда архивловчи дастурлар турини кўрсатинг?

- a). DrWeb, Adinf
- b). Arj, Rar, Pkzip/Pkunzip
- c). DrWeb, Adinf, Arj, Pak, Lha

d). WinArj, WinZip, WinRar

3. Arj a document a:*.doc буйруғи бажарилиш натижасини айтинг?

- a). а дискдаги барча .doc кенгайтмали файллар document номли архивли файлга нусхаланади
- b). а дискдаги барча .doc кенгайтмали файллар document.arj номли архивли файлдан кайта тикланади
- c). жорий каталогдаги барча .doc кенгайтмали файллар document номли архивли файлга нусхаланади
- d). а дискдаги барча файллар document номли архивли файлга нусхаланади

4. Arj e document.arj буйруғи бажарилиш натижасини айтинг?

- a). document.arj архивидаги барча файллар а дискга кайта тикланади
- b). document.arj архивидаги файлларнинг янги версиялари кайта тикланади
- c). жорий каталогдаги барча файллар document номли архивли файлга нусхаланади
- d). document.arj архивидаги барча файллар жорий каталогга кайта тикланади

5. PKZIP ва PKUNZIP дастурлари вазифаларини айтинг?

- a). PKZIP дастури файлларни архивга нусхалаш учун, PKUNZIP дастури файлларни архивдан кайта тиклаш учун ишлатилади
- b). PKZIP дастури файлларни архивдан кайта тиклаш учун, PKUNZIP дастури файлларни архивга нусхалаш учун ишлатилади
- c). иккала дастур ҳам файлларни архивга нусхалайди
- d). иккала дастур ҳам файлларни архивдан кайта тиклайди

6. PKUNZIP teit.zip c:\tiko буйруғи бажарилиш натижасини айтинг?

- a). teit.zip архивли файлдаги барча файллар жорий каталогга кайта тикланади
- b). с дискдаги tiko номли файл teit.zip архивли файлга нусхаланади
- c). tiko каталогдаги барча файллар teit архивли файлга нусхаланади
- d). teit.zip архивли файлдаги барча файллар C дискдаги tiko каталогига кайта тикланади

7. Arj e –n teйт.arj c:\alfa буйруғи бажарилиш натижасини айтинг?

- a). тейт.arj архивидаги янги файллар C дискдаги alfa каталогга тикланади
- b). alfa каталогидаги барча файллар тейт.arj архивига нусхаланади
- c). тейт.arj архивидаги янги файллар жорий каталогга тикланади
- d). тейт.arj архивидаги барча файллар C дискдаги alfa каталогга тикланади

А Д А Б И Ё Т Л А Р

- 1. А р и п о в М.М. ва бошкалар. Информатика. Ахборот технологиялари. Т., 2002 й.
- 2. Л е в и н А. Самоучитель работы на компьютере. М., 2000 й.
- 3. Ф и г у р н о в В.Э. IBM PC для пользователя. М., «Инфра», 2003 й.
- 4. Рахмонкулова С.И. IBM PC шахсий компьютерида ишлаш. Тошкент 1998 йил
- 5. Х о л м а т о в Т.Х., Н а з а р о в У.А. Информатика. Информацион технологиялар. Самарканд. СамДАКИ. 2004 й.

М У Н Д А Р И Ж А

бетлар

- 1. Файлларни архивлаш ҳақида тушунча.....4
- 2. Лаборатория ишини бажариш учун вариант топшириклари.....10
- 3. Назорат учун саволлар.....16
- 4. Тест саволлари.....16
- 5. Адабиётлар.....18